

РҮЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

● № 107 (2371)

● 1991 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ

● ПАИШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

АКС-САДО

## ТИТРАБ КЕТДИМ

Бир ривоят эшитганим бор.

Қадимда бир боадаб ўғлон бор экан. Қишида ҳатто отонаси ўтирган уйнинг томига қор курагани ҳам чиқмас экан. Улар бошқа хонага ўтганларидан кейингина бу юмушни бажаришга киришаркан.

Уша ўғлон катта кўчада от миниб кетаётганда, узоқдан ўзи томон келаётган мўйсафидларни кўриб қолибди. Отдан тушиб, жиловни чап қўлига ушилаб, ўнг қўлини қўнгига қўйиб, мўйсафидларга салом берибди. Улар дуо қилиб, узоқлашганларидан кейингина отга минибди.

Эсимда қолгани шу. Яна ривоятнинг охир ҳам ёдимда. Уша боадаб ўғлон аввало ота-онасининг, қодаверса, маҳалла-кўйдагиларнинг дуоси билан мурод-мақсадига етиби.


«Постда» рўзномасида «Бир жиноят тарихи» деб номланган мақолани ўқигач, шу ривоят ёдимга тушди. Ён-атрофимизда ривоятдаги каби боадаб йигитлару шарм-ҳаёли қизлар кўп. Минг афсуски, мақоладаги каби нобакорлар ҳам йўқ эмас. Қаранг-а, оқ сут берган онаси билан зино қилишга уринибди-я.

Мусулмончиликда ўлган одамнинг орқасидан галириш гуноҳ ҳисобланади. Лекин ёмонлиги бошига етган ўша ифлостга, шунга ўхшаган палидларга тупурман.

Адҳамга ўхшаш онабезорилар гулзордан ўсиб чиқсан тикандир мисли.

У бўй кўрсатдими, баҳридан ўтиш керак. Чунки бола бошидан, деган гаплар бор.

Мастура ТОЛИПОВА,  
Тошкент шаҳрида яшовчи беш боланинг онаси.



Усвалихон Учқўргон туманинг ИИБнинг кўзга кўринган милиция ходимларидан. Касбини пишик-пухта билади. Уз устида тинимсиз ишлайди. Шу сабабли бўлса керак, у бошчилик қиляётган участкада қонунбузарликнинг пайи қирқилган. Лекин бу унинг бамайлихотир юришига асос бўлолмайди.

Усвалихон тинимсиз изланнишада.

СУРАТДА: 1-милиция участкаси бошлиғи У. Токибоев ўз назарий билиммини оширмоқда.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

## «КЕЧИККАН САФАР»

«Ушбу жиноий ишнинг қўзғатилишига Бекобод шаҳар... кўчаси, 65-йда яшовчи Фукаро Аюр А. нинг пичондан олган жароатлари нағояксидаги вафот этганини бўйича тўпланинг материаллар асос бўлган.

03/1559-жиноий иш».

Курбонбой яна ошхонада келинганини суга яқинлашди. Бу сафар жувоннинг ҳам асабларни таранглашганди.

— Қани, ҳозироқ чиқинг бу ердан. Ҳали акангиз келсин... — дейишга улгурди холос.

Курбонбой стол устида турган пичоқни қўлига олиб, келинганинига устма-уст ура бошлиди. Унинг чинқириғидан қўни-қўшни югуриб чиқди. Жабройда касалхонага етмай ҳаётдан кўз юмди.

Жиноят содир этилди. Бироқ текширишларда жиноятчи руҳий касал, ўз-ўзини идора қила билмайди, деган холоса чиқарилди. Курбонбой руҳий касалларни шифохонасига жўнатилди. Аслада бемор анча илгари юборилиши керак эди.

Бу жиноядаги ўғлининг касалларни била туриб, шифохонага ётқизишни хоҳламаган ота-онасига ҳам айни бор.

Наҳотки, уни даволаш масканига юбориш учун бир бегуноҳнинг қони керак бўлган бўлса...

Нур БАДИА.

## РЭКЕТЧИЛАР УШЛАНДИ

22 август куни купла-кундузи беш-кишидан иборат гуруҳ масъул лавозимда хизмат қилувчи фаргонални Игор Гдан ҳозирча 5 минг, ой охиригача эса 20 минг сўм бериншини талаб қилишиди. Лекин уларнинг қабиҳ ниятлари пучга чиқди.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ, милиция майори.

— Қариган чоримда худоурди, — деди Зебо хола кўз ёшларини рўмолнинг учун билан артаркан. — Инсоғиз 2 минг сўмлик нарсаларимни ўмариб кетибди-я...

«Эҳ, бечора содда кампир, ўтида инсоф бўларканми? — деб ўйларди жиноят қидирив бўлинмаси катта оператив вакили милиция капитани Хурсанали Эралиев. Лекин дилидагини тилига чиқармади.

Иўқолган нарсаларининг нархини кампир айтиб турди, улар хомчут қилишиди — 2 минг 256 сўмлик бўлди.

— Бирор кишидан гумонингз борми? — деб сўради терговчи милиция капитани Невматжон Қаландаров қўзини ойниси синган дерадан узмай.

Кампир бошини чайқади. Изқуварлар қўни-қўшнилар билан сұхбатлашиди, шу куни маҳаллага келиб-кетган нотаниш кишилар билан қизиқишиди. Айтишларни, тахминан ўғирларни содир бўлган пайтда — соат тушлан кейинги 4-5 лар оралигидан қора қўзойнакли бир йигитчага пайдо бўлган. Уни азваллари жамоа ҳўжалигига да механизатор бўлиб ишловчи Абдулазиз Аҳороновнинг уйидаги кўришган.

— Ҳа, тўғри, — деди Абдулазиз бошини қашиб. — Адҳамжон гоҳо-гоҳо бизниги келиб туради. Лекин қаерда яшашини, касб-корини мутлақо бўлмайман.

Яна шу Каттамогол қиши-

лори аҳолиси жонга оро кирди. Аввалиги сафар ўша Адҳамжон исмли йигит Абдулазизнинг уйига келиб, турли хил кийимлик материаллар сотганини, ҳатто унинг ташқи кўринишини ҳам айтиб беришиди.

Оператив гуруҳ энди қидирив ишларини Учқўргон шаҳрида давом эттириди. Кеч соат Үларда Лермонтов

## ЎҒРИДА ИНСОФ БОРМИ?

кўчасидаги биринчи уйдав қидирилётган шахстга ўхшаш бир йигитчани ИИБга олиб келишиди.

— Ҳа, чиндан ҳам Адҳамжон Бозоров мен бўламан, — деди у пинагини бузмай. — Пахтаобод туманиниданман. Бу ерга Зуҳра исмли аёлникига меҳмонга келганман.

Аввалига у роса ўжарлик қилди, бора-бора милиция ходимлари ҳам анои эмасликларига ишонч ҳосил этгач, тўғрисини тан олиб қўя колди.

Ўғирлиги учун муқаддам судланган бу шахс аввал таниши Абдулазизнинг борганини, кейин эса шу

кишилодаги хонадонлардан бирини тунаганини айтиб берди. Ҳатто ўғирланган нарсалар шу тумандаги Соқу қишлоғидаги танишларидан бирининг уйига беркитилганини ҳам яширмади.

— Тўхтанг, сиз аввал Каттамогол қишлоғига бориб, турли газламалар билан савдо қилган экансиз. Уша газламаларни қаердан олганисиз?

«Тажрибали» ўғри милиционерларнинг бу саволини ҳам жавобизсиз қолдирмади.

— Бўлар иш бўлди, яшириб нима қилдим, — деди ва бир оз ўйланиб турли газламалар билан савдо қилган экансиз. Уша газламаларни қаердан олганисиз?

Чиндан ҳам ўша хонадон соҳибаси Ҳанифаҳон Имомова 2 минг 110 сўмлик газламаларини ўғри олиб кетганини ҳақида ИИБга арз қилган, лекин жиноят ҳанузгача очилмаганди.

— Вой, ярамас-ей, — деди Зебо хола ўғри кўлга олинганини эшитач. — Ҳирсадай йигит бўла турниб, бир кампирни қақшатмоқчи бўлибдими. Инсофи йўқ эканжу, бўйнинг узилгурнинг.

Бу гапдан энди оператив гуруҳ аъзолари гуриллаб кулишиди.

— Вой, холаси тушмагур, ўғрида инсоф не килсин?

— Қ. НУРИТДИНОВ, Учқўргон туманинг ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

# «ТИЛИ БИЛАН ФАХРЛАНСИН»

## 1. ТАРИХГА ҚАЙТИШ

«Постда»нинг шу йил 10 август сонида берилган «Тили билан фахрлансин» мақоласи бир филолог, педагог ёки журналист сифатида эмас, балки оддий муштари сифатида ҳам мароқ билан ўқидим. Мақоланинг изжобий томонларидан бирни иччи ишлар вазирлигига қарашиб нашрда чоп этилгани ҳамдир. Чунки аввалдан бир удум бўлар эди. Яъни вазирликлар ўзларига қарашиб нашрларда асосан ўз соҳаларига тегишлугина бўлган мақолалар билан чекланар эдилар. Бу қолип эскирганинги «Ишонча», «Еш ленинч», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати каби нашрлар билан бир юткор «Постда» рўзномаси ҳам ишботлагани жуда маъкул иш бўлмоқда. Мазкур мақолада айтилган фикрларни тўла қувватлаган ҳолда, муаллиф Қосимжон Содиков мулҳозалари негизидан келиб чиқиб, тилимиз тарихи билан боғлиқ бўлган айрим лавҳалар ҳақида сўз юритмоқчилик. Қўйида байни, этиладиган қарашиб, назаримда, касбикоридан қатъни назар ҳар бир ўзбек учун маълумотнома ўрнини боса олса керак.

Маълумки, кейинги 50-60 йил давомида чекланишларга маҳкум этилган она тилимиз иккى йил аввал давлат мақомими олди. Гарчи аста-секинлик билан бўлса-да, таназул остоасида турған ўзлигимиз, сўзлигимиз, қадру қимматимиз қад кўтара бошлади. Агар тарихга чуқурроқ эътибор билан қарасак, айнан шундай воқеа бундан кариб минг йил илгари ҳам бўлиб ўтганини кўрамиз.

VII асрда келиб, араб истилочиларининг Ўрта Осиёга юриш бошлаганинклари тарихдан маълум. Тан олиш кераки, араблар Ўрта Осиёга фақат тирик кўтириб келмаганлар, улар кўплаб илмий асарлар ҳам келтиргандар. Бу асарлар эса асосан араб тилида бўлган.

Илм-маърифатга ихлосманд бўлган маҳаллий аҳоли (асосан зиннелар) ўртасида бу ҳол араб тили нуғузининг ошишига турти бўла олган. Бу нарса (худди бизнинг даврдаги каби) маҳаллий тилини рўзгор-муомала тилига айлантириб қўйди. Бироқ бу ҳолга Қораҳонийлар даври (XI аср)га келиб, барҳам берилла бошланди. Айнан шу даврларда Қораҳонийлар давлати ҳукмрон доираларининг ташаббуси билан тилга эътибор борасида аввалги ҳукмдорлар анъанасига муносабат ўзгарди.

Маҳаллий (туркий) қабилалар ичида ёзув маданиятни дуруст риоҳланган, сиёсати жиҳаддан юқори ўрин тутган Чигил қабиласи тили Қораҳонийлар даврида адабий тил даражасида қўлланилди. Бу ёзув ва тил нуғузини ошириш учун Қораҳонийлар давлати ҳукмрон доиралари мазкур (туркий) тilda битилган ҳар бир асарни қўллаб-куватладилар, муаллифни эса тақдирладилар. Биз истисно тарзида туркий тилини ўша давр адабий тили десяк, хато қилмаган бўлами. Бу давр сирасига Мәхмад Қоштарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ахмад Юғнайи асарлари билан бир юткорда Алининг «Қиссан Юсуф» (XIII аср), «Ўғузнома» (XIII аср), Рабгузининг «Қиссан ул-анбиё» (ёки «Қиссан Рабгузий» XIV аср), «Ҳисрав» ва Ширин асарларини ҳам киритиш мумкин. Шу ўринда вайтиш кераки, юқорида номлари кейд этилган асарлар гарчи бир адабий давр маҳсулни бўлса-да, улар ёзилган тил орасида маълум фарқлар ҳам мавжуд. Чунки ўша даврда

адабий тил анъанаси иккى гурухга бўлинган:

Бури китобий адабий тил. Бунда араб, форс ва қадимги туркий тиллар белгилари (элемент) устун бўлган.

Иккинчиси ҳалқ адабий тили. Бунда ўша давр сўзлашув тилига хос кўринишлар (шевалар, лаҳжалар) кўп қўлланилган.

Аммо қайси анъанада яратилган бўлса ҳам, илк адабий тил манబалари туркий тилини турли чекланишлардан эркинликка олиб чиқиша катта аҳамият касб этганини аник.

## 2. ЮРАКНИ ЁРАДИГАН ТАРЖИМАЛАР

Қосимжон Содиков ўз мақоласида: «Тилимиз сандиги худди атторнинг қутисига ўхшаб қолгандек...» — деб куюнишида жон бор. Масалан, пойтахтда 50-йўналиш бўйлаб қатновчи автобусларга «Тайёрогоҳ—Москва остоаси бекати» деб кўрсаткин ўрнатилиган. Бу аввали «Аэропорт—Подмосковная»нинг давлат тилига «таржима»си! Бу таржима-кўрсаткин ўрнатилишидан бир кун аввал бошқа шаҳарга сафарга кетган (шу йўналишда яшовчи) одам сефардан қайтиб келиб, автобусга чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билолмай қолган бўлса, ажаб эмас! Хўш, ўша «Москва остоаси» бекати қаерда ўзи? Чилонзор даҳасининг 22-ўрдамида Ахир, шунга асосланниб, «Кўнгаға—Чилонзор даҳаси, 22-ўрдам» деб белги ўрнатса бўлмайдими?

Қурилиш, таъминалаш жиҳозлари билан савдо қилаётчи айрим дўконлар пештоқига «Тузатиш моллари» деб пешлавҳа ўрнатилиган. Бундан чиқди «Бузиш моллари» дўкони ҳам бўлса керак, деган хёлга боради киши. «Товар» сўзи асли туркий. Аммо уни янада «ўзбекчалаштириб», саводаги «билағонлар» МОЛ деб «таржима» қилибдилар. Майли буниси ҳам ҳолва. Аммо «МОЛ» сўзини ҳам маданий, ҳам қурилиш, ҳам «тузатиш» (?) учун бирдай қўллаш кутилиши эмасми?! Ахир, «Культовары—Маданий буюмлар», «Стройматериалы»—«Қурилиш жиҳозлари», «Товары для ремонта»—«Таъминалаш моллари», «Товары для дома»—«Ўй-рўзгор ашёлари» деб таржима қилинса, маъкул эмасми? Бу саволга Тошкент шаҳар Савдо Боз бошқармасидаги мутасаддилардан жавоб кутамиз.

Айнан шундай ҳолатни маниший хизмат шаҳобчаларида ҳам учратиш мумкин: «Маникюр, педикюр», «салон красоты» ва ҳоказо, Ҳаммасин биттагина — «Оройиҳона дейиш мантиқан тўғри бўлмасиди! Еки «аёллар салони», «эрраклар салони» деб ёзиб ўзиган. Салон, зал сўзлари шарқона «Бўлма» сўзига мос келади. Бу ҳақда маниший хизмат бошқармасидаги масъуллар бир ўйлаб кўрадилар за ўз мулҳозаларини ёзиб юборадилар деб ўйлаймиз. Шунингдек, «Моделлар ателье»ни «Тикивчилик» деб; «Пойабзал тиклаш устахонасини» «Косибчилик» («Ямоқчилик») деб; «Соат тузатиши» «Соатсозлик» деб мантиқи қайд этадилар ва бу ҳақда ҳам бизни хабардор қиладилар деб ишонамиз.

## 3. ЎЗИМIZGA BOFLIK

Кўпинча: «Давлат тили тўрисида Конун қабул қилинди. Хўш, нима ўзгарди! Барбири эски ҳаммом, эски тос-ку!» — деган ўзирозларга дуч келаман. Ҳа, бу ўзирозлар ўринли. Аммо ўша «оҳ-воҳчича:

«Конун амалиёти учун қандай ҳисса кўшдингиз?» — деб савол берилса, индамай қолади ёки: «Бунинг учун маош олаётгандар қайгурсин» — деб гингшиди. Ахир, ўзбек тили равнақи биргина шу соҳанинг кишилари қайгuriши билан амалга ошиб қолмайди-ку!

Конун амалиёти умумхалқ иши эмасми? Масалан мен кўпгина касб эгаларни биламан — меъмор, рассом, милиция ходими... Бироқ тилини эзлажаги учун бор кучларни аямай ҳаракат қилаётган яхудий, татар, корейс миллатига мансуб кишиларни биламан. Улар ҳам ўзбек тили равнақи йўлида меҳнат қилмоқдалар. Давлат тили ҳақидаги Конун пойтахтада мактабда ўқитувчилик қилар эдим. Ўзбек тилига давлат мақоми берилишини ёқлаб, Марказиумга хат тайёрладик. Яхудий ҳамасбларимиз (датто айрим ўзбекларга ўрнак бўлиб) биринчилардан имзо чекишиди. Конун амалиёти бўйича Тошкрокумдаги комиссияда раис ўринbosari бўлиб ишлардим. И. Ишченко деган бир ваҳимачи бизни миллатчиликда айблаб қелди. Комиссия аъзоси, шаҳар бош рассоми Рафаэл ака (кардос татар ҳалқи вакили) ўша ваҳимачи билан қанчалар ташвишиб тортишганлигини тасвирлаш қийин. Бундай мисоллар жуда кўп. Шу билан бирга «курсипараст» айрим миллатдошларимиз раҳбарлик қилаётган жойларда эллик нафар ўзбек ва тўрттагина рус тилида сўзлашувчи йигилган муаллимлик кенгашлари, ободончилик соҳасидаги йигинлар, турли ташкилий мажлислар ҳозир ҳам ўрис тилида олиб борилаётгандигидан хабардормиз. Бундай аҳволни туман, шаҳар миқёсидаги жуда кўплаб ташкилотларда учратиш мумкин. Яқинда шаҳримиздаги озиқ-овқат савдоси идораларидан бирида бўлдим. Идора раҳбари котиба олиб кирган қандайдир ҳужжатга қўл қўяётганда кўзим тушди: ҳужжат ўрис тилида тайёрланган экан.

— Сизлар ҳали давлат тилига ўтмадингларми? — деб сўрасан, идора раҳбари (у ҳам ўзбек):

— Бу хат юқорига, у ердаги бўлим бошлиғи ўрис, — деб жавоб қилди.

Юрагим эзилди. Шаҳримизда (янглишмасам!) ўттиздан ортиқ савдо идораси мавжуд. Унинг раҳбарлари ҳам асосан ўзбеклар. «Юқори»даги бўлимда эса битта бошлиқ.. Бу — андишами, кўрқоқлини биломадим. Шундай вазиятда шоира Зулфа Мўминованинг қийидаги сатрлари ёдга келади:

Ўзбекка отилган ҳар тошга  
қадсман,  
Ўзбеким демасам, шу куни  
ластман.  
Кимдир бориб сотсан шу  
сўзим учун,  
Кимдир келиб отсан шу  
сўзим учун.

Қанийди ўша «курсипараст» лар ҳам ҳассос шонрадек бўла олсалар. Ҳа, ҳамма гап ўзимизга боғлиқ. Озигина гурур, заррача эътиқод топа оласак, тилимиз мақомини ҳеч бир Конуниз ҳам давлат даражасига аллақачонлар кўтариб олган бўлар эдик.

Дилмурад САИДОВ,  
журналист.



Пскент тумани ИИБ навбатчилар қисми ходимлари фуқароларининг осойиштаги таъминлаш мақсадида кечани кечади, кундуз демай вазифаларини сиддиқидан адо этиб келишишоқда. Уларнинг хушёлликлари туфайли содир этилган жиноятларнинг изнга зудлик

билан тушишга муваффақ бўлнишмади.

**СУРАТДА:** навбатчи милиция капитани Баҳром Турсунбоев ёрдамчиси милиция старшина Найманбай Бурхонов билан.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

## ФАҚАТ ОЧИЛ АЙБОРМИ?

Кунни тунга улаб жеднат қилаётган фуқаролар тинчлигини, улар мол-мулкининг даҳисизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб берниётганини турди. Туманимизда қароқилик, ўғирлик, ташмачилик, безорлик, оғир тар жароҳатлари етказиш, иносуга тегиши, автоҳалолатлар юз берадигани ҳақида бирон кун йўқки, хабарлар келмаса. Мана шундай бенжонликлардан бирин ўзи зўрга кун кечираётган кишиларнинг мулкини ўғирлашди. Уз манфаатини ўйлаб, бошцанинг ризини қиршишдек инсоғисликларнинг чеки ҳали-вери кўринмайдиганга ўшҳайди. Негаки, одамларни инсоғи, диёнатта чақириб келган ҳалқимизнинг яхши удумларидан ҳали кўпчилик ёшларимиз бехабар, хабардор бўлса ҳам, бирорнинг ғам-ташвишлари ҳақида ўлаш улар учун бутунлай ёт.

Имон ҳақида қанчалик гаирмайлик, бутун ҳуқуқни ҳамоя қилиш идораларининг жамоатчилар билан олиб бораётган ишлари тўғрисида қанчалик жар солмайлик, ўғри-муттаҳамлар учун бу чинни чақданчалик ҳам таъсир

Яқинда Ильч туман ҳалқ судида 1962 йилда туғилган, қўшини Пахтакор туманининг Акмал Икромов номли давлат ҳўjalигида истиқомат қилювчи Очил Бўтаевнинг ўғирлик иши кўриб чиқишиб, уч йилу олий жуддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Очилнинг қилимиш мөъёридан ортиқ спирти ичимлини истиъмол қилганини оқибатида рўй берди. Уш 22 май куни у ўйидан яхши ниятлар билан чиққанди: ҳарнидош-уругларининг ахволларидан хабардор бўлишдан ўзга нияти ўйқ эди. Аммо бу танишлар... Пахтаобод қўргонидаги бозорда жойлашган пивоҳонада Очил танишлари билан роса ичди. Бир пайт ўйидан нима маҳсадда чиқсанлиги эсига тушиб, тўғри акасининг кўлни олди. Зўлпон Бўтаев укасининг яхшигина мастилигини кўриб, уни ўйига киритмади. Очилга бу роса алам қилди. Кейин Ойбек кўчасидаги бир пайтлар ўзи яшаган хонадонда тунамоқи бўлди. Лекин хонадоннинг ҳозирги эгаси Рустам (исмини ўзгартириб бермоқдамиш) оиласи билан қаёқладир кеттига экан. Очил уйга кириб, пархи 700 сўмлик қўлда тўқилган гилами олиб кетди. Эртаси куни ўзига келгач, қилган ишинг оқибатини идрок этиб, гиламини йўқотиш пайига тушди. Таниш Содик Шодиевга турли баҳоналарни рўяқач қилиб, уни 450 сўмга сотди. Изин йўқотганидан ўзича хурсанд бўлиб яна ароқ ичди.

Бироқ Очилнинг қуончилари узоқда чўзилмади. Рустам ўйидан гилам ҳўколтаглиги ҳақида туман иччи ишлар бўлимига хабар берди. Опергурӯҳ аъзолари — катта терговчи X. Гаффоров, ЖКБ катта опервакили Р. Маматов, катта участка инспектори Ж. Ботировлар ўғрининг шахснин ўзи оқибатида идрок этиб, гиламини йўқотиш пайига тушди. Пировардида у насибасига яраша жазосини олди.

Энди О. Бўтаевни ўйниб турайлик. Ҳўш, Очилнинг қилишига шарт-шаронт яратиб бергаилар ўзларининг айбор эканликларини сезишадими? Албатта, конун бўйича йўқ. Лекин виждан олдида-чи? Ахир, Очил билан бирга шишаҳоллиш қилганилар «хурмача»дан оширмаганларидан ўзлиши мумкинми? Энди? Уч нафар норас

«Ўзингнини ўғирлатиб юборсан, бир томонлама куясан, аммо давлатники бўлса-чи?.. Куйн кул бўласан», — дейди Тўракурғон туманидаги Партия ХХV съездидомли жамоа хўжалигига қарашли ферма бригадири Собиржон Қобулов.

Биринчидан, ишони б топширилган давлат мулкини ўмарни кетишса, вижданнинг қийналади. Чунки жавобгарлик сенинг зиммангда. Иккинчидан бўлса, истасангистамасан, ҳар хил гаплар кўпаяди. Кимдир унинг ўзи гумдан қилган дейди. Яна бошқаси бўлса, ўғирликда шерик деб ўйлади. Хуллас бемулоҳаза гапларга қоласан.

— Тунги соат бир ярим, иккилар ораси эди. Мен ферма молбоқари ва қоровул билан ферма атрофини айланаб чиқиб, уйга кетдим, — деб сўзини давом эттирали С. Қобулов. — Эрталаб соат олтиларда тунда иккита новвос ўғирланганни ҳакида менга хабар берди. Уша куни шанба бўлиб, Шаҳанд, Тошбулоқ, Жомашуда бозор куни эди. Биз зудлик билан уч тарафга бўлинниб, новвосларни қидириб кетдик. Бироқ натижада бўлмади. Кейин

## ЎЗИНГНИ МАҲКАМ ТУТ

қайтиб келиб, ўғирлик содир этилган жойни кўздан кечира бошладик. Туёқ излари бориб, машина изига тақаланди. Бу ёги әнди маълум. Хуллас умидимиз милициядан эди.

Бу ерга етиб келган милиция майорлари А. Шерматов, М. Қорабоев, милиция капитани Н. Тешабоевлар «ГАЗ-52» изидан уч минг метрлар чамаси юриб бордилар. Иўлакай автомашина юкхонасидан синиб тушиб қолган бир парча қон теккан ёғоч парчасини топдилар. Бу эса кузов синиб, молнинг оғри шикастланганидан далолат беради.

Энди ўғирларнинг қайси хўжалик транспортидан фойдаланганликларини аниқлаш лозим эди. Бу иш эса анча мушкул эди. Чунки ҳар қайси хўжаликда ўйлаб юк машиналари бор. Аммо жамоатчилик ёрдамида жумбок ўз ечиними топди. Маҳалла фаолдаридан бири ўша тунда 94-84 НАГ рақамли ав-

томашинани ферма томонга кетаётганини кўрган экан.

Тўрақурғон туманини жойлашган хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш участкасида қарашли бу автомашина унинг ҳайдовчиси А. Олимов ҳовлисида эди.

— Молларни қанчадан сотдингиз? — деб сўради Н. Тошбоев кўзларини узалаб ичкаридан чиқиб келган Олимовга.

— Нима деяпсиз, ака, қанақа моллар? — деб жавоб қайтарди у ҳотиржамлик билан.

— Мана бу ёғоч парчasi сизнинг машинанингиздан тушиб қолган. Кузовдаги тезак ва қонлар ҳам мол ўғриси эканлигиниздан далолат береби турибди. Яна давом эттираверайми?

А. Олимов йўқ дегандек бошини чайқаб, ерга қаради. Кейин эса :«Ҳа, мен ўғирликда қатнашганиман, ҳаммасини айтиб бераман», — деди.

Аниқланишича, шанбага

ўтар кечаси А. Олимов шериклари А. Муродов, Ф. Мансуров, Ж. Абдуллаев ҳамда Б. Абдуллаевлар билан тил бириттириб, фермадан иккита новвосни ўғирлаб машинага ортишган. Иўлда кетаётганини пайтларида новвослардан бир тахтани синдириб юборди ва унинг оғри карданга илашиб мажагланади. Кейин ўғирлар уни тезда сўйиб, қассобга пуллайдилар. Ижинчисини эса Чуст туманининг Олмос қишлоғидаги бозорда сотишида.

Хозирда ўша новвос тошлиди. Қассобдан олинган пул ҳам хўжалик ҳисобига ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мол ўғирларнинг айнан мана шу фермага келишлари ҳам бежиз эмас албатта. Чунки моллар олиб чиқилган ерда ѡч қандай тўсиқлар йўқ. Бунинг устига кечалари ёритилмайди ҳам. Тўғри, кеч бўлсада бу камчиликлар тузашиб киришилди. Ахир, айтадилар-ку: «Ўзингни маҳкам тут, бирорни ўғри қилмай», — деб.

**Неъматжон  
МАМАЖНОВ,  
милиция майори.**

## АФСУС

Хизмат ҳақинигта 500 соққа тўлайман.

— Йўқ, бу кам.

— Нимаси кам. Ҳамма айбни мем бўйнимга оламан. Фақат ҳайдаб келсанг бўлгани. Сен бу ишда йўқсан.


— Мен бирорнинг машинасини ўғирларканман да, 500 сўмгина оларканманми?

— Ахир, тутиб олишса, мен билан бирга турмада ўтирамайсан-ку!

Рафаэль рози бўлди. Пайт пойлаб юриб, тунда И. Кага тегиши «ВАЗ-2106» белгили уловни олиб қочди. Уни Равшанинг ҳайдади. Ошнаси уни бутунлай ўзиники қилиш ниятида эҳтиёт қисмларини алмаштира бошлади. Машина таниб бўлмас қиёфага келди.

Аммо Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари Равшанинг найрангини пучга чиқариши. Равшан эса уни минганидан кўра «таъмирлаш»га кўроқ вақт кетганидан ҳамон афсусланаётганимиш.

**М. ИСРОИЛОВ.**



## ВАГОН-УЙДАГИ МУРДАЛАР

СИРГАЛИ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида ишлар яхши йўлга кўйилган. Шахсий таркиб ўз касбими пишик-пухта эгаллаган йигитлардан ташкил топган. Қўриқлаштаги объексларда ўғирлик юз бермаслиги учун бор имкониятни ишга солнишга, тинимисиз ишлашга тўғри келяпти. Қўриқлаш бўлими ходимлари эса бундан қочишаётгани йўқ.

СУРАТДА: қўриқлаш бўлимининг катта инспектори милиция капитани Тоҳиржон Содиков [чапда] ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Оллоёр Эгамбердиев билан келгуси ишларни режалаштирунганда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

6 август куни Арнасой туманинг «Оғонёк» давлат хўжалиги ҳудудидаги яшашга мўлжалланган вагон-уйда ёнгин чиқанлиги аниқланди. Унинг ичидаги ёниб кетган учта мурда ҳопилди. Лекин экспертларнинг синичлаб текширишлари бу ерда жасадлар сони оптичалигидан билди. Вагонда кўйиб, кулга айланган кишилар шахси мальум бўлди.

Улар ферма бошлиғи А. Оносов, унинг ходимлари И. Лисенко, С. Гусев, В. Коря, Л. Валиахметова, Р. Ҳасановлар экан.

30 август куни жумҳурят милицияси ходимлари бу қабиқ жиноята қўл урган кишиларни қидириб топди. Тошкентлини бекорчи Б. Владимир ва қотиллиги учун бутуниттироқ қидиривуда бўлган К. Андрейлар Фермадагилар билан гиёхиллашиб қолишган. Инсон ҳаётни қадримматини сариқ чақага олмайдиган К. Андрей Оносовга ҳаравши ов милитига киприк қоқмай олти кишини отиб ташлаган. Жиноят изинни яшириш мақсадида ўлдирилганлар жасадини вагонга олиб киришиб, ўткайиб юборишган.

Нафбатдаги сонларнинг биринда бу воқеа тафсилоти ҳақида хабар бернишга ҳаракат ҳилламиз. Мухбиримиз Арнасойга кетди.

Ф. ЖУРАЕВ.

У ҳар доим кеч ётиб, барвақт туради. Бунга болалигидан одатланган. Ҳали қуёш пурвиқор төғлар ортидан бўй кўрсатмасданоқ ўғлини уйғотади. Ота-бала кетмон чопишиди, жўянларга сув тараф, экинларни парваришилашади. Тонг саҳарда уларга тўргайларнинг сайраши ҳузур бағишлади. Соғ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиниди. Кейин эса у яна хизматига жўнаб кетади.

Мақоламиз қаҳрамони Убайдулла Намозов Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимининг кўзга кўринган ходимларидандир. У 1977 йилда ҳарбий хизматдан қайтагач, шу туман ИИБга оддий милиционер бўлиб ишга кириди. Албатта, дастлабки кунларда бу серташиши хизмат қўйинчиликларига кўниши осон бўлмади. Лекин аҳдидан қайтади, синовларга чидаиди, устозлари маслаҳатлашрига амал қилди. Улардан иш ўрганди. Унинг умидли ёшлардан эканлигини сезган раҳబарлар Убайдуллага ўрта маҳсус милиция мактабидаги ўқулланма бердилар.

Орадан иккиси йил вақт ҳам топди. У. Намозов яна аввал

ги иш жойи, қадрдан ҳаммаслари орасига қайтди. Энди у оддий ходим эмас, балки милиция лейтенанти эди. Унга участка вакилиларвозимини ишониб топширилди.

Сиртдан қараган кишига буларнинг ҳаммаси оддий бир ҳолдек туюлиши мумкин. Аслидачи! Иўқ, бундай эмас. Чунки оддий милиционернинг офицерлик даражасига кўтариши учун ходимнинг ҳанча вақтдан буён ишлабтаги эмас, балки унинг хизматдаги ижобий ютуқлари ва билими инобатга олиниди. Қолаверса, участка вакилиларизасида ишлабтаги киши мустақил фикрга ега бўлиши лозим. Бундан ташқари асабларни мустаҳкам ҳамда довюрак кишиларгина бу вазифани эслай оладилар.

Тасаввур қилинг, агарда сиз тасодифан бирор-бир ноҳуш воқеаининг устидан раҳబарлар Убайдуллага ўрта маҳсус милиция мактабидаги ўқулланма бердилар. Орадан иккиси йил вақт ҳам топди. У. Намозов яна аввал

эса куна тун шундай мажароларни ҳал қилиш билан овора.

Мен участка катта вакили милиция капитани Убайдулла Намозовнинг ишхонасига кириб келганимда эндиғина қош қорайганди. Убайдулла аканинг айтишиби, бу вақтда участка инспекторининг айни иши қайнаган пайтда экан. Чиндан ҳам орада ҳеч қанча фурсат тутмай телефон жиринглади. ИИБ навбатчилик қисмидан бир хонадонга бориш зарурлиги айтилди. Эндиғина йўлга ҳозирланабтаги ҳам эдикси, эшикдан кўзларида ёш билан бир онахон кириб келди. Ичкиликка ружу қўйиши ўғли ўйдан ҳайдаб юбориби. Ҳамипрининг насиҳати таанбехлари бу нобакор фарзандга ёқмабди. Навбатчи ҳам мана шу ҳақида бизга таанбехларни бу нобакор фарзандга бердилар эди...

Ярим тун. Борлиқ сукунатга чўмган. Хонадонлардаги чироқлар ҳам аллаҷа-лон учган. Шу пайтда мен ҳам Убайдулла ака билан хайрлашдим. У тез-тез одимлаб, ўйига жўнаб кетди. Чунки у яна барвақт турбиди. Ўрли билан дала юмушларини бажаришга чиқиши керак.

да эшикни очиб, ичкарига кирдик. Не кўз билан кўрайки, ўйлакда кўзларига қон тўлган ўғил турарди. У бизни тезда жўнаб қолишимизни, акс ҳолда чатоқ бўлишини айтиб, дарадага қила бошлади. Унинг важоҳатли юз-кўзлари менга вахимали кўринди. Нима қиличимиз билмай донг қотдим. Лекин Убайдулла ака унинг ўзикиришларига парво ҳам қилмай бир зумда... шаштидан қайтади.

Ортимизга қайтаётниб яна бир жирканч кишига дуч келдик. У ўзини билмайдиган даражада маст бўлиб, ўтган-кетганинг бималардир деб алжирар эди. Уни ҳам ўзимиз билан ўтган-кетганинг насиҳати таанбехлари бу нобакор фарзандга бердилар эди...

Ярим тун. Борлиқ сукунатга чўмган. Хонадонлардаги чироқлар ҳам аллаҷа-лон учган. Шу пайтда мен ҳам Убайдулла ака билан хайрлашдим. У тез-тез одимлаб, ўйига жўнаб кетди. Чунки у яна барвақт турбиди. Ўрли билан дала юмушларини бажаришга чиқиши керак.

Шовқиддин САМИЕВ.

## ОЛОВҚАЛБ ИНСОН

Сиртдан қараган кишига буларнинг ҳаммаси оддий бир ҳолдек туюлиши мумкин. Аслидачи! Иўқ, бундай эмас. Чунки оддий милиционернинг офицерлик даражасига кўтариши учун ходимнинг ҳанча вақтдан буён ишлабтаги эмас, балки унинг хизматдаги ижобий ютуқлари ва билими инобатга олиниди. Қолаверса, участка вакилиларизасида ишлабтаги киши мустақил фикрга ега бўлиши лозим. Бундан ташқари асабларни мустаҳкам ҳамда довюрак кишиларгина бу вазифани эслай оладилар.

Тасаввур қилинг, агарда сиз тасодифан бирор-бир ноҳуш воқеаининг устидан раҳబарлар Убайдуллага ўрта маҳсус милиция мактабидаги ўқулланма бердилар.

Орадан иккиси йил вақт ҳам топди. У. Намозов яна аввал

ОБУНА-92

# Болалини қайтариш беринг!



Бу мақолани бошлаш жуда оғир кечди. Вужудига дард юқи униқиб қолган, кичик жүссали онанинг, оғир ўй, хавотир гирдобига тушган, қаерлардан дир улоқиб келиб қолган айрилиқ кўксини сўяётган отанинг илтижола термулиб турган қисфалари кўз ўнгимдан кетмас, «Охирги умидимиз сиздан», — дея қайта-қайта жаранглаетган сўзлари тинчлик бермасди.

Журналистик фаолиятимда аёл ҳақида ёмон гап айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашни ўзимнинг энг катта гуноҳим, деб санаганман.

Унинг оламга татигулик меҳри, руҳий

дунёсининг рангларини, жонфидолигию матонатининг сувратини чизаман, деб ўйлар эдим. Уммон уммонлигини она садоқатидан, қўёш нурини волида кулгусидан олганлигини чизаман, деб ўйлар эдим.

Бироқ... Минг бир томирим жонига туаш аёлнинг тутган йўли қалбимга кетмас оғриқ солади, шу оғриқ тунлари қўзларимдан уйқуни қувади, деб ўйламаган эдим. Ўйламаган эдим, бу азоб руҳим дунёсига ўқлар отади деб.

Йўқ, йўқ. Мен уни айбламоқчи эмасман. Бироқ... Яхиси гапни бошидан бошлайин.

1955 йилда түғилган Феруза Қаландарова ўрта мактабни олтин нишон билан тутатиб. Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳининг бошлангич синф ўқитувчилар тайёрлаш куллиётига ўқишга киради. Билимга ўта чанқоқ ёшлардан бирни эмасми, ҳамма фанлардан атъло баҳоларга ўқиб, учинчи курсга ўтганида боши тез-тез оғрийдиган бўлиб қолади.

У ўқинши ташлаб, қишилигига қайтишга мажбур бўлади. Даволаниб, соғайтагидан сўнг турмушга чиқади. Ота-онаси қўзларидан ёш билан борган жойига тош бўлиб чўкишини, ували-жували бўлиб қўша-қаришини тиляшади.

Худди шу лаҳзаларда кимдир баҳтдан масрур ота-онага: «Қизингиз бахтсиз бўлиб қолади келажакда», — деса, юраклари ёрилиб кетиши шубҳасиз ёди.

1978 йили оиласда жонларни жонга пайванд этувчи фарзанд дунёга келади. Унга Самандаржон, деб исм юйишиди. Бироқ... унинг дунёга келиши отасига, қариндош-тургларига қанчалар күвонч ҳади этса, онасининг бемор бўлиб касалхонага тушиши шунча хафагарчиллик олиб келди.

Касалхонада Ферузага бола кўриш мумкин эмаслигини, агар тўғса, касали яна хуруж қилишини айтишади. Соғайиб чиққач, эрининг кундан-кун хотинидан кўнглисовий бошлайди. Бунинг интиҳоси эса уларнинг ажрашишлари билан тугайди.

Феруза. Баҳтсизигина Феруза. Уғлини олиб, қон қақ-

шаб, тош бўлиб чўкмаган уйдан ота-онасининг ўлан айтиб кузатган уйига қайтади. Қўзларидан мунҷоқ-мунҷо ёшлари тўкилиб, дилбандини бағрига босганича қайтади.

Фарзанд-а, шунчалар ширинимисан? Шунчалар ёқимлиминиң сенга аллалар айтиш? Жон қатида асрарсан она, воҳ, сени шунчалар сурарми?

Ҳа, куч-гайратга тўлган вақтида хонадонига файз киритган Феруза соғлиги ўқолгандан кейин ҳеч кимга (ата-онасидан ташқари) кепак бўлмай қолади.

Ҳаётда энг ёмони чиққан уйга қайтиб келишиб экан. Бир вақтлар сени сиёдирган ватанинг жигарларинг бағри торлик қилиб қолар экан. Аёлнинг вужудида ҳаёт яшар экан, барibir ўша табиий эҳтиёж бош кутаради. Ўз уйи, ўз эри, фарзандила бекаму-кўст баҳтли онларни, баҳтиёр лаҳзаларни кечиришни, уларнинг севинчи учун ўтидан кириди, кулидан чиқишини хоҳлайди.

Феруза ҳам аёл эди. Она эди. Унинг ҳам баҳтли яшашга ҳақи бор эди.

У иккинчи маротаба 1957 йилда түғилган Оллоберган Ваисов деган кишига турмушга чиқади. Эрининг ҳам кўнгли ярим эди. У аввал ўйланган бўлиб, олти йил мобайнида тиринқча зор бўлиб яшаган эди.

Бир-бирини қувалашиб кунлар утади. Бу орада биринкетин Ферузанинг онаси, падари оламдан кўз юмадилар. Энди Феруза кимга суюнини?

Ота-онасигами? Улар йўқ. Жигарларигами? Худойим уни бу баҳтдан мосуво қилган. Ҳа, унинг суюнадигани, ёлғизи — эри бор. Кетмакет ёруғ дунё юзини кўрган Саид, Саломат отасини қанчалар қувонтирса, хотинининг соғлиги кун, йил сайнинг ёмонлашиб бораётгани эрини ташвишга соларди. Ийлиниг маъълум вақтларидан соғлиги ҳаддан зиёд ёмонлашар, гоҳ ҳушли, гоҳ бехуш бўлиб қоларди.

Аёл киши доимо соғлом бўлсин экан, йўқса хонадондан файз кетаркан.

Бу воқеа иконъ кунлари содир бўлди. Шундан буён Оллоберганинг ичига чироқ ёқса, ёришмайди. На ётганида, на турганида ҳаловат бор.

Иссиқ жонининг иситмаси бўлар экан. У шифохонага тушиб қолади. 27 май куни Феруза 12 ёшли Саидани, энди атак-чечак қилиб бошлаган Саломатни олиб, сўрганларга: «Эримни кўргани бораётман», — деб поездга чиқиб, Тошкентга келади. Кўча-кўйда тиланчилик қилиб кун ўтказиб юрганларидан, миллиати тожик бўлган 40 ёшлар атрофидаги аёл дунёдан бефарзанд ўтаётганинг айтиб, яхши гапириб, ялиниб-ёлвориб, фарзандларидан бирини беришини сўрайди. Ўзи Қарши шахрида истиқомат қилишини билдириб, 200 сўм пул эвазига Саломатни (1990 йил 27 майда түғилган) олиб кетади. Аёлнинг ёнида соқолли киши бўлган экан. Садақа сўраб кунларнинг бир не-

часини ит эгасини танимайдиган шаҳарнинг шоҳбекатларида, бозорларида, кўчаларида ўтказади. Тўғри келган жойларда ётиб юришади. Бир кун мункиллаб қолган нотаниш кампирнинг раҳми келиб, Чоржўдаги уйига олиб кетади. У ерда бир неча кун яшашади. Кейин поездга чиқиб, Хоразм вилоятидаги Янгибозор туманинг «Москва» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Бошқиршо қишлоғига кайтиб келади. Самандар, Сандани эргаштириб...

Оллоберган даволаниб чиққач, уйда хотини ва болаларининг йўқлигини кўриб, туман ИИБга хабар берган ва минг бир ваҳимада, таҳликада кунларни тувга, тунларни кунга улаб, вужуди айрилининг ўтида қоврилиб чиқаётган эди. Ахир, унга осон эмас эди. Оила аъзоларининг ҳаммасидан бир йўла ажрасиб ўтиrsa. Бунинг устига худодан тиаб-тиаб олиб етишган фарзандлари бўлса.

## ХУШ-БЕҲУШ АЁЛ

### БОЛАСИННИ 200 СҮМ

### ЭВАЗИГА БИРОВГА

### СОТИБ

### ЮБОРГАНИ

### ТЎҒРИСИДА

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Шу кунгача Сурхондарё вилояти Узун тумани ИИБ ходимларидан 50 киши «Постда» рўзномасига обуна бўлди.

Шунингдек, жамоат ташкотларида ҳам обуна уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Туман ИИБ бошлиги вазифасини бажарувчи милиция капитани А. Шарофутдинов.

Олтинсой тумани ИИБ шахсий таркиби келгуси йил учун обунани тутатди. Энди 54 нафар ходимимиз ўзларининг севимли рўзномалари «Постда»ни мунтазам ўқиши имкониятига эгадирлар.

Олтинсой тумани ИИБ бошлиги ўринбосари милиция капитони Ж. Содиков.

Бизнинг ходимларимиз орасида «Постда»нинг ҳақиқий ихлосмандлари кўпчиликни ташкил этади. Буни жорий йилдаги обуна мавсуми натижаларидан ҳам қўриш мумкин. Шу кунгача 102 нафар ходимларимиз обуна хужжатларини расмийлаштиришга улгурудилар.

Қумкўргон тумани ИИБ бошлиги милиция майори Мамасобиров.

Келгуси йилдан бошлаб ходимларимиздан 75 киши «Постда» рўзномасини ўз ўйларида ўқидилар. Ҳозирги кунда ҳам обуна қизгинин давом этмоқда.

Бойсун тумани ИИБдан милиция подполковники Нуркельдинев.

## МУХЛИСЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

«Постда» рўзномасига барча алоқа бўлимларидан 1992 йил учун обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Рўзномага жамоати обуна тарқатувчилар ёрдамида ҳам ёзилиш мумкин.

Рўзноманинг обуна рақами (индекси) — 64615.

Обуна баҳоси — бир йилга 15 сўм 60 тийин, олти ойга 7 сўм 80 тийин, уч ойга 3 сўм 90 тийин.

Эслатиб ўтамиз, шу бугундан бошлаб обуна учун олинидаги президентолик солиги бекор қилиши.

Демак юқорида кўрсатилган обуна нархига ҳеч қандай қўшимча пул тўламасдан рўзномага ёзилиш мумкин.

## ХУШЁРЛИК

Акрам ва Низомлар умум олганда ёмон болалардан эмас. Шу вақтгача ота-оналари ҳам улар табиатида бирон бир фавқулодда ўзгариши сезишмаган. Аммо улар бекорчиликдан ярим кечаси Бекобод шахридаги Узбек металлургия заводи ҳудудига келишиди. Низом хали истеъмол буюллари цехининг томидан ошиб тушиб, сирланган чойнакларни ошира бошлади. Бироқ завод атрофини айланниб юрган юркул ўтиларни ўз вақтида пайзаб қолди.

1974 йилда түғилган Акрам ва Низомларни бу қалтиқишига ундан нарса ҳар ҳолда янги чойнакда чой ичтиси келгани бўлмаса керак.

Тунги соқчиларнинг хушёрлиги туфайли қиймати 600 сўмга яқин моллар заводга қайтирилди.

М. ИБРОХИМОВА.

Мұхаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Медиат Қизил

Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома оғсет усулида, А-3 қолинида босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Босмага берниш вақти 15.00. Босмага берилди 17 50. Буюртма — 5839. Индекс: 64615.

Телефонлар: Мұхаррир,

мұхаррир ўринбосари — 39-77-23,

37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — «НА ПОСТУ»

Орган коллегияи МВД

Республики Узбекистан

26939 нусхада чөп этилди.